

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА

Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўймоқда. Бугун биз чинакам бирдамлик босқичига ўтапмиз. Бизнинг минтақамизда узок йиллар давомида илк бор биргаликда олдинга қараб боришимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилаётган ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳурмат муҳити шаклланмоқда.



Бу — ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жараён эмас, балки умумий тақдири ва биргаликда тараққий этиш салоҳиятини англаб етган мамлакатларимиз етакчиларининг аниқ мақсадга қаратилган сазй-ҳаракатлари ва сиёсий иродаси натижасидир. Айни пайтда бу жараён ўзаро ишонч муҳитида тобора қизгин тус олаётгани Марказий Осиё мамлакатлари халқлари томонидан қўллаб-қувватланаётган минтақавий ҳамкорлик кенг қўламдаги заруратга айланганидан далолатдир.

Ҳамкорлигимизни минтақавий яқинлашувнинг янги босқичига олиб чиқиш учун давлатларимиз даражасида шароит яратилганини кўриб турибмиз. Олдимизда эришилган келишувларни фуқаролар ва бизнес учун аниқ натижа ва қўлайликларга айлантиришдек стратегик вазифа турибди. Марказий Осиё қарорлар шунчаки ҳужжат сифатида эмас, балки минтақа мамлакатларида барқарор ривожланишни таъминлаш ва одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилаш учун қабул қилинадиган, имкониятлардан биргаликда фойдаланиладиган умумий маконга айланиши керак.

Нисбатан қисқа муддатда минтақавий ҳамкорлик ва ишончли мулоқотнинг самарали механизмига айланган **Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари** минтақамизда бўлаётган ўзгаришларнинг ёрқин тимсолидир. Ушбу учрашувлар Марказий

Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажига дахлдор стратегик масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асосий мулоқот майдони сифатида шаклланди.

Бўлажак **Тошкент саммити** барқарор, ўзаро боғлиқ ва фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этишда янги муҳим босқични бошлаб беради.

Давлат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви биз бошлаган йўлнинг давоми сифатида мамлакатларимизнинг ўзаро аниқлашув ва шериклик руҳига содиқлигини тасдиқлаши, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришда туб бурилиш ясаши керак.

Жаҳон тартиботининг кенг қўламда трансформацияга учраши, глобал иқтисодийни парчалашга қаратилган хатарлар, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашиб бораётгани сазй-ҳаракатларимизни бирлаштириш йўлидаги интилишимизни кучайтирди.

Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларидан янада жипс ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишни тақозо этади. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш шунчаки сиёсий мақсад эмас, балки стратегик заруратдир. Марказий Осиё барқарорлик ва бунёдкорлик ҳудудига, минтақавий ўзаро боғлиқлик барқарор ривожланиш ва хавфсизлик

учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётганининг намунасига айланди.

Маслаҳат учрашувлари формати йўлга қўйилган 2017 йил минтақавий ҳамкорлик тарихида туб бурилиш ясади. Минтақа етакчилари кўп йиллар мобайнида биринчи марта ташқи воситачиларсиз тизимли ва мунтазам мулоқотни бошлади. Бу ишончга, очиқлик ва умумий манфаатларни англашга асосланган **янгица сиёсий тафаккур** рамзига айланди. Айнан Маслаҳат учрашувлари доирасидаги мулоқот туфайли эски даврдан қолган бир қатор келишмовчиликларни бартараф этиш ва ишончсизликдан ҳақиқий ҳамкорликка ўтишга эришилди.

Минтақавий ҳамкорлик борасида бошланган янги босқичнинг энг муҳим ютуқларидан бири — **чегара масалалари узил-кесил ҳал этилгандир**. Яқин-яқингача имконсиз туюлган бу муаммонинг ечими бугун реал ҳолатда, бир пайтлар бизни ажратиб турган чегаралар эса дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. 2025 йил март ойида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида **уч давлатнинг чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги Шартнома** ва **Хўжанд декларациясининг** имзолангани тарихий аҳамиятга молик ҳодисадир. Бунга ҳақли равишда оламшумул воқеа деб аташ мумкин.

➤ **Давоми 2-бетда**

ИНФЛЯЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга инфляцияни жиловлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳамда 2026 йилга мўлжалланган вазифалар тўғрисида ахборот берилди.

Ички бозорни тўйинтириш ва инфляция омилларини жиловлаш бўйича изчил ишлар туфайли барқарор иқтисодий ўсиш таъминланаётгани, инфляцияни пасайтириш ва миллий валютани мустаҳкамлашда ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди.

2025 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, йиллик инфляция даражаси ўтган йилги 10,2 фоиздан 7,8 фоизгача пасайган. 2026 йилда бу кўрсаткични 7 фоизгача тушириш, 2027 йилда эса 5 фоиз доирасида ушлаб туриш режалаштирилмоқда.

Шу мақсадда ички бозорда товар ва хизматлар таклифини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, 2026 йилда банклар аграр тармоқ, озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтиради.

Йилгилишда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг

барқарорлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Юқори ўсиш суръатлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида келгуси йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар ҳажми 450 триллион сўмга етказилади.

Давлатимиз раҳбарига микро, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича берилган топшириқларнинг ижроси ҳақида ахборот берилди. Йил бошидан буён тадбиркорлик субъектларига 116 триллион сўмлик кредитлар ажратилди, бу ўтган йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Маҳаллабай ишлаш доирасида 89 минг фуқаронинг бизнес ташаббуслари қўллаб-қувватланиб, уларга 1,1 триллион сўмлик кредитлар ажратилди. Йил якунига қадар мазкур кўрсаткич 100 минг нафарга етказилади.

2026 йилда ҳам камбағалликни қисқартириш, аҳолини тадбиркорликка фаол жалб этиш бўйича ишларни изчил давом эттириш режалаштирилган. Микро, кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш ҳажминин 140 триллион сўмга етказиш, яна 100 минг фуқаронинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мўлжалланган.

Президентимиз аҳоли ва бизнес учун барқарор молиявий муҳит яратиш, банк тизимига ишонччи мустаҳкамлаш ҳамда молия бозорида соғлом рақобатни ривожлантириш бундан буён ҳам банк-молия сиёсатининг бош вазифаси бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Мутасаддиларга инфляцияни жиловлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз макроиқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча топшириқлар берилди.

ЎЗА

БМТНИНГ НУФУЗЛИ ИНСТИТУТИ — ЮНЕСКО БИЛАН ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 ноябрь куни БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бош директори лавозимига сайланган Ҳолид ал-Ананийни қабул қилди.



Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси якунлари ва БМТнинг ушбу нуфузли институти билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Ҳолид ал-Ананийни юксак лавозимга сайлангани билан табриклаб, келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Ўз навбатида, янги сайланган бош директор Ўзбекистон Президентига ташкилотнинг бош тадбири қўллаб-қувватлагани ва юксак савияда ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида кенг қўламли йўналишларни қамраб олган тизимли ва сермахсул ҳамкорлик йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Томонларнинг ҳамкорлики янада

фаоллаштириш, жумладан, ташкилотнинг мамлакатимиздаги лойиҳавий фаолиятини кенгайтириш борасидаги интилиши қатъий экани тасдиқланди.

ЮНЕСКО Бош конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган стратегик ташаббусларни биргаликда амалга оширишга тайёр экани таъкидланди.

ЎЗА

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ДОИРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мултимодал ташувлар бўйича халқаро форумда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдиримни қабул қилди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кенгашнинг кўп томонлама ташаббусларни мувофиқлаштириш ва илгари суришдаги ўрни ҳамда фаол иштироки ортиб бораётганини ҳисобга олиб,

ташкилот доирасидаги ҳамкорлики янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилда Будапешт ва Габала шаҳарларида ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитларида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган стратегик таклифларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Оқсоқоллар кенгашининг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, туркий халқларнинг миллий анъаналари, маънавий мероси ва маданий бирлигини сақлашга қаратилган қўшма лойиҳаларни илгари суриш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этди.

ЎЗА

ЮТА ШТАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ АЛОҚАЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Юта штатининг Исо Масих Охирги замон авлиёлари черкови оқсоқоли Дэвид Беднар ва “Stirling” халқаро хайрия фонди раиси Майлс Хансендан иборат бизнес делегациясини қабул қилди. Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хеник ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатларининг суръати ортиб бораётган шароитда Юта штати билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Юта штати ўртасидаги фаол мулоқот ва алмашинувлар

мамнуният билан қайд этилди. Рақамлаштириш, таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида қўшма лойиҳалар бошланган.

Инновациялар, тоғ-кон саноати, хотин-қизлар тадбиркорлиги, инклюзив таълим, соғлиқни сақлаш, сув таъминоти ва сани тарбия соҳаларида лойиҳаларни амалга

ошириш учун катта салоҳият борлиги таъкидланди.

Яқунда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш мақсадида Юта штати губернатори бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш юзасидан келишувга эришилди.

ЎЗА



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИ ДАВР ОСТОНАСИДА



Бошланиши 1-бетда

Минтақа мамлакатларининг мустақил ривожланиш тарихида илк бор ўзаро чегараларнинг барчаси ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди, ўнлаб йиллар давомида кескинлик манбаи бўлиб келган масалага нукта қўйилди.

Шу йил октябрь ойида бўлиб ўтган Фаргона тинчлик форуми мамлакатларимизнинг Фаргона водийсида тинчлик ва тотувлиқни мустаҳкамлашга бўлган ўзаро интилишининг яққол амалий тасдиғи, Марказий Осиёда кечаётган бунёдкорлик жараёнларининг ифодаси бўлди.

Илгари кескин келишмовчилик ва зиддиятларга сабаб бўлиб келган **сув-энергетика соҳасида** ҳам принципиал ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида **Қамбарота ГЭС-1** лойиҳасини биргаликда амалга ошириш тўғрисидаги битим минтақанинг сув-энергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш амалиётида янги саҳифа очгани қардошларча ҳамкорликнинг ёрқин далилидир.

Тошкент ва Бишкек ўртасида **Чашма булогидан** биргаликда фойдаланиш тўғрисидаги келишув оқилона муроасага жисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Тожикистон иштирокида Зарафшон дарёсида **Ёвон** ва **Фондарё ГЭСлари**ни қуриш бўйича ҳамкорлик олдинга силжимоқда, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозоғистон ўртасида **Баҳри Тожик сув омборини** вегетация даврида келишилган тартибда ишлатиш бўйича келишувларга эришилди.

Туркменистон билан ҳукуматлараро битим доирасида **Амударё сув ресурсларидан** оқилона фойдаланиш бўйича келишувга эришилди. Бу сув ресурсларини биргаликда бошқаришни яхшилайдиган ҳамда экологик муаммолар хавфини камайтиради.

Буларнинг барчаси ишонч, ўзаро манфаатдорлик ва умумий ресурсларга адолатли ёндашувга асосланган янги ҳамкорлик руҳини шакллантирмоқда. Бундай лойиҳалар аҳолининг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва минтақанинг энергетик хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун янги имкониятлар очмоқда.

Шу билан бирга, чегара тартиб-таомиллари ва гуманитар алоқалар соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. 2023 йил сентябрь ойидан бошлаб Ўзбекистон ва Қирғизистон фуқаролари **ID-карталар** асосида чегарадан ўтаётгани одамларнинг эркин ҳаракатланиш ҳудудини шакллантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Қозоғистон ва Тожикистон билан ҳам шундай келишувлар ишлаб чиқилмоқда. Худудлар ўртасидаги алоқалар кенгаймоқда, чегараолди савдо ҳамжи ошмоқда, гуманитар ва маданий алоқалар мустаҳкамланмоқда.

Ҳамкорликни институционал жиҳатдан расмийлаштириш бўйича қадамлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада 2023 йилда Душанбе шаҳрида ўтказилган бешинчи Маслаҳат учрашувини қайд этиш лозим.

Мазкур учрашувда давлат раҳбарларининг келишувларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг доимий механизми сифатида **Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашини** таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ушбу механизмнинг ишга туширилиши Маслаҳат учрашувларини форматига тизимли тус бериш ва биргаликда илгари сурилган ташаббусларни амалга оширишда изчиллиқни таъминлаш имконини берди. Шунингдек, **парламентлараро мулоқот** ва **Хавфсизлик кенгашлари котиблари даражасида мунтазам учрашувлар** йўлга қўйилган.

2022 йилда бўлиб ўтган Чўлпонота учрашuvi якунлари бўйича суверен тенглик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва минтақа келажаги учун биргаликдаги масъулият таъминлашнинг мустаҳкамлашга **XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадларида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг** имзоланиши **шартномавий-ҳуқуқий базани** янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. 2025 йилда Тожикистоннинг бу ҳужжатга қўшилгани минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Биз ушбу қарорни олқишлаймиз ҳамда яқин истиқболда Марказий Осиёда ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик руҳини узил-кесил мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мазкур шартнома минтақанинг барча давлатлари томонидан имзоланишини кутиб қоламиз.

2022 йилда давлат раҳбарлари томонидан **Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлиги концепцияси** ҳам тасдиқланди. Унда минтақа мамлакатлари халқаро платформаларда, жумладан, “Марказий Осиё плюс” форматларида ўзаро мувофиқ ҳолда ҳаракат қилишининг йўналишлари белгилаб олинди.

2024 йилда Остона саммитида қабул қилинган **“Марказий Осиё — 2040” минтақавий кооперацияни ривожлантириш концепцияси** муҳим дастурий ҳужжат бўлди. Унда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва мамлакатларимиз тараққиётига қаратилган ҳамкорликнинг узоқ муддатли устувор йўналишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу тариқа кўп қиррали ўзаро ҳамкорлик архитектурасини барпо этар эканмиз, ривожланиш учун улкан манбаларни кашф этдик.

Давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан минтақада **янги иқтисодий воқелик** шаклланимоқда. Сўнгги саккиз йил давомида Марказий Осиё мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти қарийб икки ярим баробар ўсиб, 520 миллиард долларга, ташқи савдо ҳамжи эса икки қаррадан зиёд кўпайиб, 253 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳамжи 2 марта ошиб, қарийб 11 миллиард долларга, ўзаро инвестициялар эса 5,6 баробарга етди. Биргина мамлакатимизни оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳамжи 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етди, қўшма корхоналар сони эса 1800 дан ошди.

Саноатда Марказий Осиё барқарор равишда ийилга 6 фоз атрофидаги ўсишни намойиш этмоқда, бу жаҳондаги ўртача ўсиш суръатидан икки қарра юқори. Бундай муваффақият ишлаб чиқариш кооперациясининг янги шакллари йўлга қўйиш — қўшма инвестиция фондларини (жумладан, Ўзбекистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Тожикистон ва Қозоғистон — Қирғизистон) ташкил этиш, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ. Минтақа мамлакатлари томонидан тасдиқланган **2025-2027 йилларда саноат кооперациясини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар режаси** ҳамкорликнинг муҳим воситасига айланмоқда. Кичик ва ўрта бизнеснинг ўсишига қўмаклашадиган чегараолди савдо зоналари ва халқаро саноат кооперацияси марказлари фаол ривожланимоқда.

Гуманитар соҳада ҳам кейинги йилларда алоқалар мустаҳкамланмоқда. Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ва Ёшлар платформаси таъсис этилди, 2022 йилдан бошлаб ректорлар ва олимлар форумлари ўтказилмоқда, ўзаро маданият йиллари, кўргазмалар, концертлар ва спорт тадбирлари мунтазам ўтказилмоқда.



Энг муҳими, қардош халқларимиз бўлаётган барча ижобий ўзгаришларни ўз кўздалиқ ҳаётида хис этмоқда. Янги ўтказиш пунктлари очилгани, авиақатновлар, темир йўл ва автобуслар йўналишлари йўлга қўйилгани ўзаро бордини келдиларни бир неча бор ошириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш имконини берди. Минтақа мамлакатларининг умумий сайёҳлик оқимида ички минтақавий туризмнинг улуши 80 фоздан ошди.

Яқин-яқингача орзу бўлиб туюлган эркин ҳаракатланиш, ўзаро ҳурмат, яқинлик ва ишонч туйғуси бугун амалдаги ҳақиқатга айланмоқда.

Аста-секин Марказий Осиёнинг янги **минтақавий ўзига хослиги** вужудга келмоқда. Бу фарқли жиҳатларимизни эътироф этиш ва айни пайтда халқларимизнинг умумий тарихи, муштарак маданиятини,



тақдирларимиз ўзаро боғлиқ эканини чуқур англашга асосланади. Қўшничилик — хавф эмас, имконият, бир тарафнинг муваффақияти — барчанинг ютуғи деган ягона минтақавий маконга мансублик ҳисси шаклланимоқда.

Мана шундай ишонч, ўзаро англашув ва умумий келажақ руҳи бугунги кунда минтақавий жиғлашувни янада мустаҳкамлаш, яъни барқарор ва ўзаро боғлиқ, фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этиш бўйича **Марказий Осиё жараянини** бошлаш учун энг муҳим таянч асосдир.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёнинг ҳар бир давлати ўз сай-ҳаракатларини иқтисодиётни ривожлантириш, ишончли мустаҳкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтириш орқали минтақамиз барқарорлиги ва фаровонлигини таъминлашга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Қозоғистон транспорт йўлакларини фаол ривожлантирмоқда, чегара пунктларини модернизация қилмоқда, савдо тўсиқларини бартараф этмоқда ва маданий-гуманитар алмашинув бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. Қирғизистон ва Тожикистон музликларнинг эриши билан боғлиқ масалаларда изчил ҳамкорлик қилмоқда, энергетика тизимларини модернизация қилиш ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширмоқда. Туркменистон тинчлик ва ишончли мустаҳкамлаш, минтақанинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш, БМТнинг Орол ҳавзаси ва иқлим технологиялари бўйича дастурини қабул қилишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Амалий ҳаракатларимиз, келажақ учун масъулиятимиз, яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаат таъминлашига содиқлигимиз шунини исботлади: **Янги Марказий Осиё** тинчлик, барқарор тараққиёт ва яратувчан шериклик йўлини танламоқда. Рамзий маънода айтганда, биз девор эмас, кўприк барпо этмоқдамиз.

Минтақавий жиғлашув борасидаги ютуқлар туфайли бугунги кунда Марказий Осиё халқаро муносабатларининг ўз манфаатлари ва тараққиёт йўллари аниқ таъсир этадиган мустақил ва масъулиятли иштирокис сифатида қарор топди.

“Марказий Осиё плюс” ҳамкорлик форматлари **минтақанинг халқаро ҳуқуқий субъект сифатидаги мавқеи** кучайиб бораётганининг ифодаси ҳамда барқарорлик ва тараққиётнинг муҳим маркази сифатидаги ролининг эътирофи бўлди.

Илгари ташқи ҳамкорлар алоқаларини асосан икки томонлама асосда қўрган бўлса, бугунги кунда дунёнинг етакчи давлат ва бирлашмалари Марказий Осиё билан муносабатларни яхлит минтақавий шерик сифатида ривожлантирмоқда.

Бу минтақанинг бошқа ҳамкорлар билан муносабатларини янги босқичга олиб чиқди: Марказий Осиё ташқи ҳамкорлар билан халқаро муносабатларнинг ягона субъекти сифатида мулоқот қилса, унинг овози баландроқ ва ишончлироқ янтрайди, позициямиз кучлироқ бўлади, инвестицияларни жалб этиш, бошқа мамлакатлар билан барча йўналишларда ҳамкорликни кучайтириш бўйича вазифаларни янада самарали ҳал қила оламиз.

Дунёга очиклигимиз, ниётларимизнинг шаффофлиги ва мулоқотга мойиллигимиз халқаро майдонда Марказий Осиёни янги-ча қабул қилиш учун асос бўлди.

Айни пайтда Марказий Осиёни дунёнинг етакчи давлатлари ва бирлашмалари билан боғлайдиган ўндан ортиқ “Марказий Осиё плюс” форматлари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўзида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”, “Марказий Осиё — Хитой”, “Марказий Осиё — Россия” ва “Марказий Осиё — АҚШ” саммитлари бўлиб ўтгани минтақанинг глобал сиёсатдаги шиддати ва стратегик аҳамияти ортиб бораётганини тасдиқлайди.



Янгидан-янги “Марказий Осиё плюс” мулоқотлари давлат раҳбарлари даражасига кўтарилаётгани уларнинг амалий аҳамияти ва сиёсий қиммати ортиб бораётганидан далолат беради. Бир қатор форматларда эса энергетика, транспорт, “яшил иқтисодиёт” ва рақамлаштириш соҳаларида аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ ва котибиятлар ташкил этилмоқда.

Афғонистон билан боғлиқ масалаларни ҳал этмасдан туриб, минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу мамлакат умумий минтақамизнинг бир чеккасида эмас, балки унинг табиий бир қисмидир. Бутун Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг мустаҳкам бўлиши кўп жиҳатдан Афғонистоннинг тикланиши ва ривожланишига боғлиқ.

Афғонистоннинг жафокаш халқи **чуқур гуманитар инқироз** шароитида яшада давом этмоқда. Шу муносабат билан минтақа мамлакатлари Афғонистонни минтақавий ва халқаро жараёнларга изчил жалб этиш зарурлигидан қариб чиқмоқда. Бу эса ушбу мамлакат тараққиёти ва кенг минтақамизда барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган **Трансфғон темир йўлини** барпо этиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши савдо, инвестициялар ва транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлик учун янги имкониятлар яратди, шунингдек, Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, афғон халқига гуманитар ва таълим борасида ёрдам кўрсатиш, энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари учун мутахассислар тайёрлаш ишлари давом этмоқда.

Афғонистон умумий тинчлик ва хавфсизлик, ҳамкорлик ва тараққиёт маконининг бир қисмига айланиши лозим. Бу минтақанинг барча мамлакатлари манфаатларига жавоб беради ҳамда

Марказий Осиёнинг жанубий сарҳадларида барқарорлик белбоғини шакллантиришга хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, бугунги кунда Марказий Осиё ўз жадал тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Биз икки томонлама масалаларни ҳал этишдан иқлим ўзгариши, энергетика соҳасидаги ўтиш, сув ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, рақамли технологияларни ривожлантириш каби асосий минтақавий таҳдидларга биргаликда ечим топиш сари бормоқдамиз. Мамлакатларимиз олдида умумий масъулият, ўзаро ишонч ва келажагимиз ҳақидаги яқдил тасаввурга асосланган ҳамкорликнинг янги уфқлари очилмоқда.

Шу муносабат билан Марказий Осиё яқин ўн йилликларда қандай ривожланади деган принципиал саволга биргаликда жавоб беришимиз зарур.

Марказий Осиё аҳолиси 80 миллионлик маррадан ўтиб бўлди, БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб, бу кўрсаткич 100 миллиондан ошади. Шунингдек, Марказий Осиё дунёнинг энг ёш минтақаларидан бири бўлиб, аҳолисининг ўртача ёши атиги 29 ёшни ташкил этмоқда.

Олдимизда ушбу демографик ресурсни тараққиёт ва инновациянинг қудратли омилига айлантириш, ёшларимизнинг истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш вазифаси турибди.

Айни пайтда мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш суверенитет, тенг ҳуқуқлиқ ва ички ишларга аралашмаслик борасидаги мустаҳкам пойдевор асосида амалга оширилиши лозим деган вазим ёндашувини қайд этиш муҳимдир. Ҳеч ким минтақа мамлакатларига бегона моделларни тиқширмаслиги ёки миллий тузилмалардан устун турадиган тузилмаларни яратмаслиги лозим.

Марказий Осиёдаги ҳамкорлик ихтиёрий, прагматик ва мамлакатларимиз халқларига фойда келтирадиган реал натижаларга йўналтирилган бўлиб қолиши керак.

Ҳозирги босқичда олдимизда ўта муҳим масалалар турибди, минтақамизнинг барқарорлиги ва ривожланиш суръатлари уларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

Биринчидан, минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришни давом эттириш — мавжуд механизмларни мустаҳкамлаб, уларга барқарор тус ва амалий маъно-мазмун бағишлаш зарур. Охир-оқибатда самарали минтақавий институтларсиз ҳамкорликни тизимли ривожлантириш ва қабул қилинаётган қўшма қарорларни сифатли амалга оширишни таъминлаб бўлмайди.

Иккинчидан, хавфсизлик соҳасидаги мақсадимиз — таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича умумий салоҳиятни шакллантиришдан иборат. Хавфсизлик кенгашлари котиблари, махсус хизматлар, муҳофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини давом эттириш лозим. “Хавфсизликнинг бўлинмаслиги” принципи асос бўлиб қолиши керак. Айни пайтда минтақавий ҳамкорлик амалдаги халқаро механизмлар билан узвий боғлиқ бўлиши, барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатлар ва умуман, минтақа хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг кенг доирасига қарши туриш бўйича ўз салоҳиятини шакллантириши лозим.

Учинчидан, иқтисодий соҳада ички минтақавий савдони ривожлантириш, чегаралардан ўтиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва ўзаро инвестициялар учун қулай шароитлар яратиш муҳимдир. Саноат кооперациясини фаоллаштириш, савдо зоналарини ривожлантириш, транспорт ва иқтисодий йўлаклар тармоғини кенгайтириш, транспорт, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва рақамли иқтисодиёт соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш зарур.

Ҳамкорликнинг экологик жиҳати — иқлим ўзгаришларига мослашиш, трансчегаравий сув ресурслари ва биологик хилма-хилликни асраш, “яшил” энергетика ва кам углеродли технологияларга ўтиш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Марказий Осиё барқарор экологик ривожланиш минтақаси ва атроф-муҳитга масъулиятли муносабатнинг намунаси бўлишга қодир ва шундай бўлиши керак.

Тўртинчидан, гуманитар ҳамкорлик устувор йўналиш бўлиб қолимоқда. Инсон капиталини ривожлантириш, таълим,

илм-фан ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш марказий вазифадир. Умумий ахборот маконини яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш сифатини ошириш, умуман, ижтимоий соҳани, жумладан, туризмни ва ёшларга оид қўшма дастурларни ривожлантириш — буларнинг барчаси халқлар ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлашга бевоосита хизмат қилади. Умумий қадриятлар, маданий яқинлик ва фаровонликка биргаликда интилишга асосланган минтақавий ўзига хослиқни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бешинчидан, Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсатда келишилган ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳим йўналиш ҳисобланади.



Геосиёсий бекарорлик тобора ортиб бораётган ва жаҳон куч марказлари ўртасида рақобат кучайган шароитда минтақа давлатларининг халқаро майдондаги позицияларини мувофиқлаштириш барқарорлик ва умумий манфаатларни химоя қилишининг муҳим омилига айланмоқда. Шу нуктаи назардан асосий ҳамкорлар билан прагматик алоқаларни йўлга қўйишда ўз самарадорлигини исботлаган “Марказий Осиё плюс” форматларини янада ривожлантириш зарур.

Ҳозирги босқичда “Марказий Осиё плюс” форматлари ва бошқа халқаро мулоқот майдонларида минтақавий мувофиқлашувни ривожлантириш, ташқи шериклар билан ҳамкорлик масалалари бўйича келишилган устувор йўналишлар ва позицияларни ишлаб чиқиш стратегик вазифага айланмоқда. Фақат шу йўл билангина жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ва бирлашмалари билан ҳамкорлигимизни давлатларимиз ва бутун минтақанинг иқтисодий ҳамда технологик тараққиётига, барқарорлигига хизмат қиладиган аниқ лойиҳалар асосида бойитишимиз мумкин.

Ўзбекистон учун минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш тактик танлов эмас, балки Марказий Осиё келажаги учун умумий масъулиятни англашдан келиб чиқадиган онли стратегик қарордир.

Ишончимиз комилки, глобал ноанқилиқ даврида яхши қўшничилик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш — Марказий Осиёнинг асосий ресурсидир. Минтақа мамлакатлари яққа ҳолда ҳал қилиши қийин бўлган умумий хавфсизлик муаммолари ва ривожланиш вазифалари биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин. Ишонч ва шерикликни мустаҳкамлаш ўз келажагини умумий қадрдон дёйримиз — Марказий Осиёнинг тинчлиги, барқарорлиги ва тараққиёти билан боғланган миллионлаб одамларнинг манфаатларига жавоб беради.

Бугун биз кучли, барқарор ва фаровон минтақа — Янги Марказий Осиёнинг мустаҳкам пойдеворини яратмоқдамиз.

Минтақамизда кечаётган жараёнлар — бу онли ва ортага қайтмас танлов. Ушбу йўл биздан нафақат биргаликдаги саъй-ҳаракатларни, балки умумий келажагимиз учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр бўлишимизга яшаётган барча миллат ва бунёдкор ҳамкорликнинг вақт ва ҳаёт синовидан ўтган — ишонч, яхши қўшничилик ва ўзаро қўллаб-қувватлашга асосланган ўз моделимизни тақлиф этмоқдамиз. Ва бугун Марказий Осиёни кенг минтақамизда яшаётган барча миллат ва халқлар учун ягона тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт маконига айлантирадиган ушбу тарихий суръатни сақлаб қолишимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**



2025 йил
13 ноябрь, 234-сон

3



Инсон қадри учун

ХАЛҚНИНГ БАҲОСИНИ ЭШИТАДИГАН ТИЗИМ

ЁХУД СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР НАФАСИ

Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ва фармацевтика ходимлари билан учрашуви Ўзбекистон тиббиётида катта воқеа бўлди. Учрашув аввалида Президентимиз йиғилганларни Тиббиёт ходимлари куни билан самимий табриклаб, барча шифокор ва ҳамширалар, соҳа мутахассисларига ўзининг чуқур ҳурмати ва эзгу тилаklarини билдирди. Сўнг ечимини кутаётган масалалар таҳлил қилиниб, янги вазифа ва имкониятлар белгилаб берилди.

Учрашув шуқуҳи ва мазмуни соҳа вакили сифатида мени ҳам ортга бир қур назар ташлаш ва ислохотлар самараси ҳақида мулоҳаза юритишга ундади. Бу самара, энг аввало, аҳолининг тиббий хизматдан розилик даражасида сезилаётганини инкор этиб бўлмайдми. Мутасаддилардан бири сифатида бунинг таққослаш имкониятига эгаман. Беш-олти йил олдин ҳудудларда сайёр қабул ўтказилганида тиббиёт соҳасида юқори технологик амалиётлар, ихтисослашган хизматлар етарли эмаслиги ҳақида кўп эътироз бўларди. Мисол учун, эндопротез амалиётини бажариш имкониятига эга эмас эдик. Юрак-қон томир касалликлари йўналишида бепул бажариладиган юқори технологияли операциялар бармоқ билан санарли эди. Мураккаб амалиётлар хориж клиникаларида ўтказилар, беморларнинг маблағ сарфлаб бошқа давлатларга бориши кўп кузатиларди. Бугун мамлакатимизда ҳам энг ноб операциялар ўтказилаётганини, тиббий хизмат сифати ва кўламини энг чекка ҳудудларни ҳам қамраб олаётганини — катта ютуғимиз.

Барча соҳа каби тиббиёт ривожига ҳам халқаро алоқалар муҳим ўрин тутади. Чунки энг яхши лаборатория, тадқиқот институтлари дунёнинг нуфузли тиббиёт марказларида жойлашган. Бугун Ўзбекистон жаҳонга очик мамлакат сифатида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Мамлакатимизга билдирилаётган ишонч ва қизиқиш соғлиқни сақлаш тизимида ҳам халқаро алоқаларнинг кенгайишига сезиларли ижобий таъсир кўрсатаётди. Дунёнинг биз билан ҳамкорлик қилаётган етакчи клиникалари сони тобора ортиб бораётгани фикримиз тасдиғидир. Уларнинг клиник протоколлари даволаш жараёнини амалга оширишда, энг илгор усуллар асосида ўтказиш имконини беради.

Ўзбекистонда шифокорнинг сиймоси ўзгарди. Хорижий давлатларда таълим олиб, малака ошириб келётган ёш мутахассислар сафи кенгаймоқда. Бугун мамлакатимизда кўп йиллик тажриба ва малакага эга шифокорларнинг катта мактаби шаклланибди. Уларнинг ҳеч бир ташаббуси, таклифи ва мулоҳазаси эътибордан четда эмас. Мисол учун, учрашувда Японияда илмий изланишлар олиб бораётган ёш шифокорнинг тез тиббий ёрдам хизматида парамедиكلарнинг фаолиятини кучайтириш борасидаги ўрнили таклифи кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Бу борадаги дунё тажрибаси Ўзбекистонда ҳам қўлланила, тез тиббий ёрдам хизматида янги тизимларни ишга тушириш имкони вужудга келади.



Эльмира БОСИТХОНОВА,
соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Юртимизда охириги тўрт йилда сиам эгизакларни ажратиш бўйича икки марта жароҳлик амалиёти ўтказилди. Бу — жуда ноб операция. Шундай амалиётни муваффақиятли бажарган ҳамкасбимиз, Республика перинатал марказининг қақалоқлар неонатал хирургияси бўлими мудири Бахтиёр Эргашевнинг “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирлангани бизга гурур бағишлайди. Зеро, унинг маҳорати ва билими халқаро миқёсда катта эътирофларга сабаб бўлди. Сиам эгизакларни ажратиш оддий аппендицит (қўричак) амалиёти эмас. Бунинг учун, албатта, ҳам онанга, ҳам эгизакларга қарайдиган учта мустақил бригада бўлиши керак. Амалиёт учун зарур барча ускуна-муҷассам бўлиши шарт.

Сана муносабати билан бир гуруҳ соҳа вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида дунёнинг нуфузли олийгоҳларида таълим ва тажриба олиб, юртимизга қайтиб келиб ишлаётган, юқори технологик муолажаларни амалга ошираётган ёш шифокорлар, аҳоли саломатлигини сақлашда яқиндан кўмак бераётган хорижий ҳамкорлар ҳам бор. UNFPA ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий вакили Нигина Аббосзода, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг юртимиздаги ваколатхонаси соғлиқни сақлаш дастури директори Корнелия Бекер, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Рехина Мария Кастилло Родригес, Беларусь Республикаси “Она ва бола” илмий-амалий марказининг болалар анестезиология-реанимация бўлими анестезиолог-реаниматолог Санкавец Дмитрийнинг давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани ишмизга берилган баҳо ҳамда дўстлик ришталарининг мустаҳкамлигини даълолат.

Бугун ҳар бир жамоа протокол ва стандартлар асосида фаолият юритади. Бу протокол ва стандартлар самараси юқори бўлиши учун, албатта, халқаро миқёсда тан олинган бўлиши керак. Йиғилишда рақамлаштириш, хориждан ҳамкор топшиш, клиник

протоколларни янгилаш, илгор диагностика, профилактика ва даволашни ундайдиган замонавий жамоани шакллантириш барча тиббиёт марказлари, вилоят, туман соғлиқни сақлаш бошқарма ва бўлимларининг биринчи навбатдаги вазифаси бўлиши зарурлиги қайд этилди.

Ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари олдида бошқарувда суғурта механизмларини ишлаб чиқиш, энг замонавий амалиётни аҳолига яқинлаштириш каби янги вазифалар қўйилмоқда. Ҳар бир марка 2026 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқмоқда. Қайси маҳалла ва туманда қандай касаллик кўпайгани ёки камайганини таҳлил қилиб, уларнинг олдин олиши ва самарали даволаш бўйича аниқ режа асосида ишлаш, бундай таҳлил ва ёндашув билан ишни қўйидан бошлаб ташкил қилиш кўзда тутилган. Катта маблағ эвазига олиб келинган энг замонавий ускуналардан самарали фойдаланиш талаб этиляпти.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари “Бугун одамларнинг ҳаёти муносабати ҳам, талаб ва эҳтиёжлари, дунёқараши ҳам тубдан ўзгарди. Бу бошқа соҳалар қатори тиббиётда ҳам сифатни ошириш, замонавий ёндашувлар олиб кириш бўйича олдимизга янги вазифаларни қўймоқда. Шу боис, тиббиётда халқнинг баҳосини эшитадиган тизимни жорий қиламиз”, деди. Бу ҳам аҳоли саломатлигига юксак эътиборнинг яна



бир намунаси. Шу маънода, энди 26 та марказ директори, вилоят ва туманлардаги соғлиқни сақлаш соҳасига масъуллар, оилавий поликлиника мудирилар бири ойлук аниқ режа асосида ишлашга ўтиши кўзда тутилмоқда.

Марказ раҳбарлари ўз йўналиши бўйича ҳолат энг оғир туман ва маҳаллага боради. Бир ой ҳудудда юриб, касалликларнинг сабабларини ўрганади ва уларга ечим беради. Оилавий поликлиника ва туман шифокорларининг врачларини касалликни даволашга ўргатади.

Бундан буён вилоят ва туман соғлиқни сақлаш раҳбарларининг кунлик қабули

маҳаллада бўлади. Ҳар бир вилоят, туман тиббиёт раҳбари, бош шифокор ва поликлиника мудири беморга эътиборли бўлиб, шифо топиши учун барча имкониятни ишга солади.

Шунга мос равишда рағбатлантириш тизими ҳам йўлга қўйилади. Энг намунали вилоят, туман соғлиқни сақлаш бўлимлари раҳбарлари ва оилавий поликлиника мудириларига “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими” унвони, орден ва медаллар, 30 миллион сўмдан пул мукофоти берилиши, улар раҳбарлик қилаётган шифохона ва поликлиника инфра-тузилмасини яхшилашга 500 миллион сўмдан маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳар бир вилоятда энг яхши 2 та туманнинг соғлиқни сақлаш бўлими раҳбари ва оилавий поликлиника мудири менежерликка ўқиш учун АКШ, Германия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Туркия каби тиббиётни ривожланган мамлакатларга юборилади.

Президентимиз ҳозир тиббий хизматларнинг 30 фоизи хусусий сектор томонидан кўрсатилаётгани, илгор ташаббуслар, асосан, улардан чиқаётгани қувонарли ҳол эканини таъкидлаб, хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича барча тақлифларни қўриб чиқишга тайёргилини билдирди. Келгусида ҳам тиббиётда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча шароитларни яратиш давом эттирилиши таъкидланди. Хусусан, келгуси йилдан тиббий ускуна,

Замонавий шифокор технология, даволаш ва диагностика усулларидан хабардор бўлиши, ўз устида доимий ишлаши шарт. Шу боис, тиббиёт ходимларининг малакасини узлуксиз ошириб борадиган янги тизим яратиш назарда тутилмоқда. Келгуси йилдан малака оширишнинг масофавий, робот-симулятор, амалий, иш жойида мустақил тайёргарлик каби турлари йўлга қўйилади.

Тиббиёт тизимини рақамлаштириш — соҳа олдида турган энг муҳим вазифа. Бу тизимда учраётган айрим коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш орқали аҳолининг тиббиётдан розилиги таъминланади. Тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда “Электрон рецепт” модули ишга туширилгани замирида ҳам шу мақсад муҷассам.

Барча турдаги бирламчи тиббиёт муассасаларида Ягона электрон ахборот тизими — DMED дастури йўлга қўйилиб, мазкур йўналишда ижобий натижаларга эришиляпти. Жумладан, тиббиёт тизимининг рақамлаштирилиши беморлар учун қулайлик, шифокорлар учун самарадорлик, давлат учун эса шифофлик ва тежамкорликни таъминляпти.

Илгари тиббиёт соҳасида ўзгариш бўлиши учун йиллар керак эди. Бугун янгиланишлар кун сайин амалга ошмоқда. Чунки илм-фан тараққий этипти. Жаҳон тиббиёти, технологиялардан хабари бўлмаса, шифокор ўз вазифасини тўлақонли бажара олмайди. Шу боис, тиббиёт муассасалари энг замонавий ускуналар билан таъминланмоқда, соҳа ходимлари хорижда малака ошириб қайтапти. Самара ҳам шунга яраша бўлиши керак. Барча сай-ҳаракатларимизни яна бир қарра таҳлил қилиш ва янги марраларни белгилаб олиш — олдимизда турган муҳим вазифа.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш тиббий таълим билан бевосита боғлиқ. Президентимиз шу ҳақда сўз юритар экан, “Тиббий таълимдаги ислохотларимизни давом эттириб, оиланинг барча ёшдаги аъзоларига малакали тиббий хизмат кўрсата оладиган оилавий шифокорлик институтини ривожлантиришимиз зарур”, деди.

Келгуси ўқув йилидан тиббиёт олийгоҳларининг бакалаврият босқичида педиатрия ва даволаш йўналишларини қамраб олган умумий тиббиёт факультети очилади. Уларда оилавий шифокорлик мутахассислиги бўйича резидентура ва магистратура йўлга қўйилади.

Ҳамшира деганда кўпчилигимиз қон босимни ўлчаш ёки укол қилишни биладиган тиббиёт ходимини тушунамиз. Аслида, соғлиқни сақлаш тизими ривожланган мамлакатларда ҳамширанинг билими ва малакаси шифокорникидан кам бўлмайди. Шу боис, оддий муолажа билан чекланиб қолмайдиган, таъхис, даволаш ва профилактикада шифокорга кўмакчи бўладиган ҳамшираларни тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Янгиланишларнинг маънавий давом сифатида ҳамширалар академияси Тошкент давлат тиббиёт университети тасарруфига ўтказилиб, унинг

негизида Олий касбий тиббиёт академияси ташкил қилинадиган бўлди.

Тиббиётда “антибиотиклар резистентлиги” деган тушунча бор. Яъни микроблар берилган ҳар бир антибиотикка тез мослашади. Антибиотиклар ўтган асрнинг 60-йилларида кашф этилган. Кейинчалик уларнинг сони, даражаси, таъсир қуввати ўзгариб борди. Антибиотикни кўп ва паллапартиш қўллаш орқали организмнинг микробларга чидамиллиги пайсаяиб борди. Бу дунё тиббиётининг хатоси эди. Бундан буюгига ҳам шундай давом этилса, бирорта антибиотик микробга таъсир қила олмайдиган даврга бориб қолишимиз мумкин. Шунинг учун аҳолининг антибиотикларга интилишига чек қўйишимиз керак. Ўткир респиратор вирусли инфекциялар (ЎРВИ) касалликлари кўпайган айни мавсумда антибиотикларнинг қўлланиши кўп кузатиляпти. Тана ҳарорати 38,5 даражага чиққунга қадар уй шароитида антибиотик қабул қилиш тасвия этилмайди. Зеро, тана ҳарорати 38 градусдан юқори бўлгандагина болада иммунитет шаклланади.

Инсоннинг саломатлиги унда нафақат касаллик ёки жисмоний нуқсонлар йўқлиги, балки жисмоний ва руҳий хотиржамлиги, саломатлигини яхшилаш ва муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар билан ҳам белгиланади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугун касаллишни даражаси кам бўлган мамлакатлардаги соғлиқни сақлаш тизимини таҳлил қилиш, унинг замирида аҳолининг соғлом турмуш тарзига риоя қилиш муҷассамлигини кўрамиз.

Европа давлатлари аҳолининг умр давомийлигини оширишга тиббий маданият юқорилиги тўғрйли эришган. Шарқ мамлакатлари аҳолисининг узок умр кўришида эса миллий қадриятлар муҳим ўрин тутади. Мисол учун, япон халқининг оқватланиш маданияти, жисмоний фаоллиги, корейларнинг саломатлигини миллий қадриятларга синдириган соғлом турмуш тарзи нақадар муҳим эканини кўрсатди. Японияда ўртача ҳаёт давомийлиги 90 ёшга яқинлашган. Бу жуда катта воқеа бўлиши билан бирга соғлом турмуш тарзига риоя қилиш умр давомийлигини таъминлашда энг устувор жиҳат эканини тасдиқлайди. Кўпчилик саломатлигини тиббий омил билан боғлайди. Шу сабабли тиббиёт асосан касалликларни даволашга ихтисослашиб, саломатлигининг бошқа омиллари, хусусан, соғлом турмуш тарзига кам эътибор қарата бошлади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маъмулотига кўра, саломатлигининг аттиги 10-12 фоизи тиббиёт тизими даражаси, қолган 55-60 фоизи эса турмуш тарзига боғлиқ.

Демак, соғлом турмуш тарзига қанчалик риоя қилсак, тўғри оқватлансак, жисмоний фаол бўлсак, кун тартибимизни зарарли одатларсиз, тўғри ташкил қила олсак, саломатлигимизни асраган бўламиз. Жисмоний тарбия оилавий маданиятнинг ажралмас қисмига айланиши керак. Ҳар биримизнинг ўз саломатлигимизга масъулигимиз биринчи даражада омил эканини унутмайлик.

Давлат, жамият ва хусусий сектор иштироки, қолaversа, фуқаронинг ўз саломатлигига масъулияти, соғлом бўлишга интилиши каби хусусиятлар барчага бирдек тегишли. Юқори малака, билим ва қўнимкага эга шифокорлар, ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинидаги масъуллар бу ишда қамарбаста бўлиши шарт. Ҳар бир фуқаро “Менинг соғлиғим биринчи навбатда ўзимга керак”, деган тушунча билан саломатлигига масъулиятли бўлса, сай-ҳаракатлар натижа беради.

Муносабат

Жуда бахтли инсонман деб бемалол айта оламан. Ҳаётим давомида кўплаб инсонларнинг дардида дармон бўлиб, шифо топишга кўмак бердим. Ҳатто уларнинг баъзилари билан қариндош бўлиб кетдик.



Мэлс КАБУЛОВ,
Қорақалпоғистон тиббиёт
институтини профессори,
I даражали “Соғлом авлод учун”
ордени соҳиб

Давлатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонига кўра, I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирландим. Бундан қанчалик қувонган бўлсам, шунчалик катта масъулиятни ҳис этдим. Чунки соҳанинг тубдан ислох қилинаётгани, тизим ходимларига бундай ишонч билдирилишида ҳам ўзимга хос маъно бор.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда тиббиёт соҳаси нафақат технологик жиҳатдан, балки инсон саломатлигига муносабат нуқтаи назаридан ҳам янги босқичга кўтарилди. Шифокорлар меҳнати ва фидойилиги — давлатимизнинг доимий эътиборида. Асосийси, инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳаёти ва саломатлигини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлагач, меҳнат фаолиятимни Қорақалпоғистон Республикаси силга қарши

курашиш диспансери шифокорлигидан бошлаганман. Ҳозир Қорақалпоғистон тиббиёт институти хирургия кафедраси мудири ва профессори вазифасида ишлаяман. Ярим асрдан зиёд ҳаётимни тиббиёт соҳасига бағишладим. Узоқ йиллик назарий, иммуногенетик ва клиник ишларим яхши натижа берди. Қорақалпоқ популяциясида қизилўнғач саратони касаллигининг жуда юқори даражада пайдо бўлишига имкон яратадиган асосий омилларни аниқладим. Шу асосда

қизилўнғач саратонига қарши курашиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Жанубий Оролбўйи аҳолиси орасида қизилўнғач саратонининг биланчиси ва иккиламчи профилактикаси концепциясини ишлаб чиқдик.

Шунингдек, эзофагитларнинг клиник-эндоскопик классификациясини амалиётга жорий қилдик. Қорақалпоқ популяцияси орасида илк маротаба иммуногенетик тадқиқотларини амалга оширдик. Бу қизилўнғач касалликларининг этиопатогенетик механизмларини ўрганишда янги босқични бошлаб берди.

Оммавий витамин билан таъминлаш тарзидаги бирламчи ҳамда қизилўнғач ўсмаолди касалликларини даволаш сифатидаги иккиламчи профилактикани амалиётга татбиқ этдик. Натижада Қорақалпоғистонда қизилўнғач саратонига чалиниш кўламини олти баробар қамайтиришга эришилди.

Қирқ йилдан ортиқ мუдат Республика онкология ва радиология маркази ҳамда Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Қорақалпоғистон филиаллари директори вазифасида ишлаган пайтимда 150 дан ортиқ онколог, хирург ва эндоскопистларни тайёрладик. Янги операция тури — қизилўнғачнинг кўкрак қисми билан ошқозонни улаш услубини ишлаб



чиқдик. Шунингдек, скальпелнинг янги турини яратиш, унинг учун патент олдик.

Йиллар давомидаги меҳнатимиз самараси ўлароқ, Қорақалпоғистонда онколог ва хирурглар мактаби яратилди. Қорин (ошқозон, ичак, жигар) ва кўкрак (ўпка, қизилўнғач) бўшлиғи органларида 20 мингдан зиёд жуда

мураккаб, юқори технологияли операцияларни бажардик. Диагностика ва даволаш эндоскопик услублар асосида ўпка, қизилўнғач, жигар, ошқозоннинг қардиз қисми саратонига чалинган беморларни операция қилиш амалиётини илк маротаба Қорақалпоғистонда жорий этдик.

Қорақалпоқ популяциясида ўсма касалликларини комплекс профилактика қилиш, бирламчи тиббиёт тизимида скрининг юргизиш ҳисобидан онкологик касалларни эрта босқичда аниқлаш ва замонавий технологиядан фойдаланиб, беморларни даволаш бўйича Президентимизнинг тегишли қарорини қилди. Унга мувофиқ, Нукус шаҳрида янги Онкология ва радиология маркази қурилиши бошланди. Келгуси йилда 175 ўринли клиника ишга туширилади.

Бу марказ замонавий тиббий диагностик, радиологик, жароҳлик, эндоскопик ускуналар ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланади. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирилик ва Санкт-Петербургдаги нуфузли онкология маркази билан 3 йилга мўлжалланган меморандум тузилди. Унда мутахассисларимизни ўқитиш, янги операцияларни амалиётга татбиқ этиш, иммунотерапия ва вакцинотерапия каби онкологиядаги энг илгор даволаш услубларидан фойдаланиш бўйича тажриба алмаиш ишга тутилган.

Сўнгги йилларда юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, тиббиёт муассасаларини замонавий талаблар асосида янгилаш ҳамда шифокорлар учун қулай меҳнат шароитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг соҳага жуда катта эътибори тўғрйли тиббиёт кун сайин илгорлаб бормоқда. Бизга берилаётган имкониятлар, имтиёзлар, асосийси, Президентимиз эътиборидан катта куч олдик. Энди билим ва тажрибамайдан янада самарали фойдаланиб, аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қиламиз.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИ ҚАСНЕР ҚИЛИНГ!





ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК МАРРАГА БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ!

Ўзбекистон 2026 йилда Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишни мақсад қилгани ҳақида кўпчилик яхши билади. Бир неча йил олдин давлатимиз раҳбари бошчилигида айна шу мақсад йўлида дадил қадамлар ташланган эди. Яқин вақтгача бу баъзилар учун етиб бўлмас орзу, хомхаёлдек тўлган бўлса, бошқалар жаҳон савдосининг қарийб 99 фоизини ташкил этаётган йирик халқаро тузилмага қўшилиш осон эмаслиги, Ўзбекистон бунинг учун турли соҳаларда катта ислохотларни амалга ошириши зарурлигини таъкидлади. Қизиги, бундай фикр билдирувчилар орасида иқтисодчилар, тадбиркорлар, умуман, мазкур мухитдаги одамлар кўпчилик эди.

Дастлабки йилларда ЖСТга аъзо бўлиш сари сайёҳаракатлар бир оз секин кечгани, вақт ўтишига қарамай, катта силжиш кузатилмагани айрим фикрларда жон бордек тасаввур ҳам уйғотди. Аммо жараён биз ўйлагандан кўра пухта кетаётгани кейинги йилларда яққол кўзга ташлана бошлади. Натижада оддий юртошларимиздан тортиб, иқтисодчи ва таҳлилчиларгача халқаро ташкилотга аъзо бўлишга қаратилган ишларни катта қизиқиш билан кузата бошлади.

Мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш талабларини бажаришда собит қолмоқда. Сайёҳаракатлар бирин-кетин, изчил амалга оширилипти. Охириги бир неча йилда бу жараён янада жадаллашди. Йирик иқтисодий тузилма талабларига жавоб берадиган миллий қонунчилик базасини янгилаш, халқаро савдо қоидаларига мувофиқлаштириш, божхона ва савдо тартиботларини жаҳон стандартларига мослаштириш ишлари юқори суръатда давом эттирилипти. Жараёнда ўнлаб янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, мавжудларни қайта кўриб чиқилди. ЖСТнинг "милий режим" тамойилига мувофиқ, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг 2024 йил 3 июндаги "Бозор ислохотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навабдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони эса ЖСТга аъзо бўлиш йўлидаги қадамларнинг энг салмоқлиси бўлди. Мазкур ҳужжат халқимиз ва истеъмолчилар учун жуда кўп афзалликларни назарда tutadi.

Нуфузли ташкилотга аъзо давлатлар билан музокаралар олиб бориб, келишувга эришил ЖСТга қўшилиш талаблари орасида муҳимларидандир. Яъни бошқа аъзо давлатлар ҳам ўз талабини қўяр экан, мамлакатимиз бунга қанчалик жавоб беришини амалда исботлаши лозим. Ўзбекистон 30 дан ортқ аъзо давлат билан икки томонлама музокаралар олиб борди. Бугунгача улардан аксари яти билан келишувларни муваффақиятли якунлади. Ташкилотнинг энг йирик аъзолари — АҚШ ва Хитой билан ўтган йил куз ойларида самарали келишувга эришилган.

Жорий йил октябрда эса мамлакатимиз ЖСТга қўшилиш йўлида энг улкан ва тарихий босқичга қадам қўйди. Анниқроғи, 24 октябрь куни Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича икки томонлама музокараларни расман якунлагани эълон қилинди. Президентимизнинг ЖСТ бўйича махсус вакили Азизбек Ўрунов мазкур муҳим воқеа мамлакатимизнинг Европа Иттифоқидаги аъзо давлатлар билан бозорга кириш шартлари бўйича, жумладан, экспорт ва импорт божхона имтиёзлари ҳамда хизматлар соҳасидаги келишувларни қамраб олган музокаралар муваффақиятли якунланганини аёнлаштириш таъкидлади. Шунингдек, "Йилдан йилдан ортқ фаол музокаралар, таҳлиллар ва ҳамкорликдаги энг жараёни мамлакатимиз учун катта натижа берди. Бу жараён садоқат, қатъият ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилиб, ўзаро манфаатли келишувга эришил имконияти таъминланди. Европа Иттифоқи Ўзбекистон билан икки томонлама музокараларни якунлаган 31-дават бўлди. Энди расман маълум: Ўзбекистон ЖСТнинг 31 аъзоси билан музокараларни якунлади. Фақат 3 давлат билан музокара қолди", деб ёзди у.

Узоқ кутилган бу воқеа давлатимиз раҳбарининг жорий йил 23-24 октябрь кунлари Бельгияга расмий ташрифи доирасида бўлган аҳамиятлидир. Мазкур ташриф давомида Европанинг раъсий пойтахти бўлган Брюссель шаҳрида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги келишув ҳам имзоланди. Бу қадам кўхна қитъа ва мамлакатимиз ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаб, турли соҳалардаги манфаатли ҳамкорликка кенг йўл очди.

Қолган учта давлат билан музокара ҳам узоқ куттирмади. Шу йил 6 ноябрь куни мамлакатимиз ЖСТга аъзо бўлиш бўйича Канада ва Панама билан ҳам икки томонлама музокараларни якунлагани эълон қилинди. Азизбек Ўрунов ижтимоий тармоқдаги саҳифасида навабдаги хушхабарни маълум қилар экан, келишув бўйича тегишли протоколлар имзоланганини қайд этди.

Янги Ўзбекистон очик иқтисодиёт сари

Жаҳон савдо ташкилоти — жуда катта бозор, 166 давлат билан ўзаро савдо алоқалари, хусусий сектор учун ҳақиқий рақобат майдони. Ташкилотга аъзолик ҳар қандай давлат иқтисодиётида ўсишни таъминлайди. Бу борада етарлича таҳлиллар, ҳисоб-китоблар қилинган.

Ташкилот қандай тузилма экани, унинг дунё иқтисодий майдонидаги аҳамияти ва Ўзбекистоннинг бутунгача унга қўшилиш йўлидаги сайёҳаракатлари ҳақида мунтазам ёритиб келямиз. Мутахассислар, иқтисодий таҳлилчилар, ҳатто тадбиркорлар бу борадаги фикрлари билан қатор чиқишлар қилмоқда.

Экспертлар, иқтисодчилар, умуман, соҳа вакилларининг шуқуҳли жараёнга муносабати, мамлакатимиз тузилмага қўшилгандан кейин рўй берадиган ўзгаришлар тўғрисидаги мулоҳазалари билан қизиқдик.

Нодир ЖУМАЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор:



— Бугун миллий иқтисодиётларнинг барқарор ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омили халқаро иқтисодий муносабатларга фаол қўшилишдир. Шу маънода, Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик нафақат ташқи иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми, балки миллий тараққиёт стратегиясининг муҳим устуни сифатида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон учун бу жараён шунчаки халқаро институтга қўшилиш эмас, балки очик, самарали ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган иқтисодий тизим сари стратегик бурилиш нуктасидир. Бу орқали давлатимиз халқаро савдо қоидаларига мос миллий тизим яратиш, экспортни диверсификация қилиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ва ишлаб чиқариш тармоқларини рақобатбардош қилиш имкониятига эга бўлади.

Мамлакатимиз 1994 йилда ЖСТ билан ҳамкорлик ўрнатган бўлса-да, кейинги йилларда бу жараён янги босқичга кўтарилди.

Президентимиз раҳбарлигидаги ислохотлар жараёнида ташқи иқтисодий сиёсатда "очик эшиклар" сиёсати устувор йўналиш сифатида белгиланган бўлиб, у амалий натижалар билан тасдиқланмоқда. Сўнгги йилларда мамлакат ташқи савдо сиёсатида түб бурилиш юз бергани бунинг аниқ исботи. 2017 йилда валютани эркин конвертация қилиш тўғрисидаги қарор имзолангани, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш, лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш бўйича қўрилган чоралар — буларнинг барчаси ЖСТ талабларига яқинлаштиришга қаратилган ислохотлардир.

Мазкур нуфузли тузилмага қўшилиш жараёнини кўпгина экспертлар мамлакат иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлашнинг янги модели сифатида баҳоламоқда. Бу жараёнда миллий манфаатни ҳимоя қилиш, ички бозорни босқичма-босқич очиш ва халқаро рақобатга мутаносиб мослашиш муҳим аҳамиятга эга. Аини вақтда бу жараён мамлакатимизнинг "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган очик иқтисодиёт концепциясининг амалий ифодасидир. Стратегияда иқтисодий диверсификация, экспорт салоҳиятини ошириш, инновацион тармоқларни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлар сифатида белгиланган. ЖСТга аъзолик шу мақсадларга эришиш учун институционал асос яратди. Масалан, миллий ишлаб чиқарувчилар учун халқаро сертификатлаш тизимларига кириш, хорижий молия институтлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари кенгайди. Шунингдек, ташқи бозорда "Made in Uzbekistan" брендини мустаҳкамлаш ва экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилади.

Кўплаб давлатлар тажрибаси ЖСТ аъзолиги дастлаб ички бозорда рақобатни кучайтириб, узоқ муддатда иқтисодиётда сифатли ўсишга туртки беришини кўрсатади. Масалан, Грузия ва Вьетнам мисолида кўрилганидек, аъзоландан кейинги беш йилда экспорт ҳажми икки баравар ошган, ишлаб чиқариш тармоқларида модернизация жараёни тезлашган. Бундай таҳлиллар Ўзбекистон мисолида ҳам қилинган, албатта. Хусусан, Халқаро валюта жағмармаси ва Жаҳон банкнинг баҳолашларига кўра, Ўзбекистон ЖСТга қўшилгандан сўнг ташқи савдо айланмаси 15-20, тўғридан тўғри хорижий инвестиция оқими эса 25-30 фоиз ошиши мумкин. Экспорт таркибида юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар улуши кўпайиши, ишлаб чиқаришда рақобат муҳити шаклланиши ва маҳсулотлар сифати ошиши кутилмоқда. Бунинг асосий сабаби аъзолик орқали маҳаллий маҳсулотлар учун янги бозорлар очилиши ва хорижий инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланишидир. Буларнинг барчаси бевосита миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилади.

Жараён фақат ташқи бозорларга чиқиш йўлини кенгайтириш билан чекланиб қолмайди, балки ички иқтисодий муносабатларнинг тубдан янгиланиши, миллий бизнес муҳитини халқаро мезонларга мослаштириш ва рақобат муҳитини соғломлаштиришни талаб қилади. Маҳсулотлар ва хизматлар экспортдаги бюрократик тўсиқларни қисқартириб, товарлар сифати, бренд ривожланиши ва қиймат занжирларидаги иштирокини кучайтиради. Гап шундаки, ЖСТ аъзолиги ҳар бир давлатдан халқаро қоидаларга мос мажбуриятларни бажаришни талаб қилади. Аммо муҳим жиҳат шундаки, ушбу мажбуриятлар миллий манфаатларга зид бўлмаслиги шарт. Ўзбекистон бу борада мувозанатли йўлни танламоқда: бир томондан, халқаро савдо меъёрларини жорий этмоқда, иккинчи

томондан эса ички бозорни ҳимоя қилиш, стратегик тармоқларни сақлаб қолиш, кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш сиёсатига содиқ қолмоқда.

Қисқаси, ЖСТга аъзо бўлиш янги босқич, янги имкониятлар ва янги масъулият демекдир. Бу жараён миллий иқтисодиётни халқаро талаблар билан уйғунлаштириш, ишлаб чиқариш сифатини ошириш ва экспортни диверсификация қилиш имконини беради. Энг муҳими, бу халқ фаровонлиги, тадбиркорлик фаолияти ва инновацион иқтисодиёт ривожига хизмат қилади.



Биз ана шу катта ўзгаришлар томон асосий қадамни ташлаб, нуфузли Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш оstonидага турибмиз. Ушбу тарихий воқеа амалга ошганидан кейинги асосий вазифамиз эса олдимиздаги барча имкониятдан тўлиқ фойдаланиш, миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда глобал иқтисодий тизимда муносиб ўрин эгаллаш бўлади.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
иқтисодий таҳлилчи:



— Ўзбекистон дунёга кенг очилди. Бу оддий сиёсий ёки иқтисодий жараён эмас, балки халқимиз асрлар давомида интиқлик билан кутган буюк келажакни барпо этиш йўлидаги тарихий бурилиш нукталаридан биридир. Мамлакатимиз сўнгги йилларда фақат муайян давлатлар билан иқтисодий шерикликка бoғланиб қолмай, кўп томонлама, мувозанатли ва прагматик ташқи сиёсат юритаётган фаол давлат сифатида жаҳон саҳнасида ўзининг мустақил ва кўп векторли миссиясини амалга оширмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 23-24 октябрь кунлари Брюсселга расмий ташрифи доирасида бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Қизгин учрашув ва мулоқотлар, имзоланган тарихий келишувларни катта ҳаяжон билан кузатдик. Айниқса, Брюссель музокаралари натижасида Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилгани кўпчилик учун қутилмаган хабар бўлди. Бониси, мамлакатимиз 2026 йилда ЖСТга қўшилишни қатъий мақсад қилиб, бу йўлда дадил ҳаракатланаётганига қарамай, қисқа муддатда бунга эриша олишимизга ишонмаганлар бор эди. Европа Иттифоқи билан келишув эса барча шубҳани йўққа чиқариб, мақсадга эришимизга ишончини оширди.

Бу, ўз навбатида, Европа давлатларининг янги Ўзбекистон ислохотлари, изчил тараққиёти ва ривожланишига юксак ишончидан далолат. Яъни сайёрамиздаги энг йирик савдо майдонини вакиллари бизни ўзига тенг шерик, муносиб ҳамкор сифатида кўрмоқда. Ўз-ўзидан бу ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида ҳам түб бурилиш ясаши кутиляпти. Шу боис, нафақат юртимиз расмий доиралари, иқтисодчи олимлар, тадбиркорлик субъектлари, маҳаллий ва халқаро сиёсий институтлар, балки оддий юртошларимиз ҳам Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига қаратилган сайёҳаракатларини фаол қўллаб-қувватляпти.

ЖСТга қўшилиш бу, аввало, катта ва янги бозорга йўл, янги ҳамкор давлатлар билан барча соҳада кенг қўламли алоқалар, мамлакатлар учун кенг очиклиқни аёнлагди. Юртимизнинг дунёга юзланиш сиёсати давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, "Бугунги Ўзбекистон дунё билан очик мулоқотда

рилган шартларда кириш имконини берди. Натижада тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти сезиларли даражада ўсди. 2022 йилда икки томонлама савдо ҳажми кескин ошиб, мамлакатимизнинг кўхна қитъага экспорти 63,9 фоиз, импорт эса 77,1 фоиз ўсди. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасидаги савдо айланмаси қиймати 2024 йилда 17 миллиард доллардан ошиб кетди.

Брюсселда эришилган келишувлар натижасида 2030 йилга қадар мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан савдо айланмаси 1,5 баробар ўсиши, экспорт ҳажми 15-20 фоиз ошиши, қайта ишлаш саноати улуши эса сезиларли даражада кўпайиши кутилмоқда. Асосийси, 2026 йилда Ўзбекистон нуфузли Жаҳон савдо ташкилотининг тўлақонли аъзосига айланиши эҳтимоли юқори.

Ёрқин МАЛИКОВ,
Ўзбекистон экспортчилар
уюшмаси раиси:



— Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича икки томонлама музокаралари расман якунланиб, муваффақиятли келишувга эришилгани кўпчилик учун қутилмаган воқеа бўлди. Сабаби, ушбу келишувга қутилганидан олдин эришилгани жуда қувончли. Бу давлатимиз раҳбари бошчилигидаги масъулларнинг ушбу масалага қаттиқ тайёргарлик қўлгани ва белгиланган ислохотлар изчил амалга оширилгани ифодасидир. Жаҳон майдонида ҳам эътироф этилиб, тан олинапти. Кейинги йилларда сайёҳаракатлар тезлашиб кетгани ижобий натижасини бериляпти. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши яна бир неча йилга қўшилиш мумкинлиги борасида фаразлар ҳам йўқ эмас эди. Аммо мақсад сари аниқ ҳаракат қилинапти ва натижаларга қутилганидан ҳам олдинроқ эришиляпти.

Албатта, Ўзбекистоннинг йирик савдо ташкилотига кириши борасидаги фикрлар турлича. Шуниси аниқки, бутунги глобаллашув даврида ҳеч бир давлат алоҳида ёки бир нечта мамлакат билангина алоқа ўрнатиш орқали катта ривожланишга эриша олмайди. Ҳозир дунё яхлит глобал майдонга айланган ва ҳар бир давлат унинг бир қисми бўлишга, унда муносиб ўрин эгаллашга иштирокчи. Яъни ташқи алоқалар қанча кенг бўлса, ривожланиш шунча ўсиб бораверади. Айниқса, Европа жуда катта бозорга эга. Унга кириш орқали ана шу майдоннинг фаол иштирокчисига айланимиз.

Шу жиҳатдан Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик, аввало, дунёнинг нийҳатда катта бозорига очик йўл дегани. Яқин вақтгача маҳсулотларимиз асосан Марказий Осиё давлатларига чиқарилган бўлса, энди бошқа давлатларга ҳам фаол кириб боради. Натижада экспорт ҳажми каррасига ошади. Нарх-наво ҳам юқори бўлади. Масалан, яқин йилларгача юртимиздаги текстил, мева-сабзавот маҳсулотларини асосан чекланган давлатларга сотиб келардик. Кейинги йилларда товарларимиз 2-3 баробар юқори нархда Европа бозорига кириб борапти. Биргина майизнинг бир неча турини экспорт қилимиз. Одатда майизни Туркияга экспорт қилардик. У ерда қайта ишланиб, бир неча баробар қиммат нархда Европага сотилади. Бугун шу каби маҳсулотларни ўзимиз, учинчи давлат иштирокиси тўғридан тўғри Европа давлатларига экспорт қилимиз. ЖСТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлганимиздан кейин бу жараён янада фаоллашади.

Бониси, халқаро иқтисодий ташкилотга аъзолик савдо муносабатларида ҳам афзаллик беради. Экспорт жараёнида барча учун белгиланган ва келишилган бож тўлови амал қилади. Қолаверса, мамлакатимизнинг халқаро савдо тизимига интеграциялашуви ҳамда иқтисодий ривожланиши учун янги имкониятлар очилади. Миллий қонунчилигимиз жаҳон стандартларига мослаштирилиб, юртимизга кўпроқ инвесторлар, маҳсулотлар кириб келишига хизмат қилади. Умуман, бундай имкониятларни узоқ санаш мумкин.

Бу тадбиркорлар, оддий аҳоли учун ҳам манфаатли. Монополлар соҳида қолаётган корхоналар эгалларининг елкасига офтоб тегиб, эркин ва очик, ҳамма учун тенг бозор майдонида рақобатга киришади. Экспортёр корхоналар сони ортади. Биргина мисол, ҳозир Европа давлатларига маҳсулот экспорт қилаётган маҳаллий корхоналар сони мингдан ортқ бўлса, бундан 3-4 йил олдин тахминан 200 дан зиёд эди. Яъни йилдан йилга Европача экспорт ҳажми ҳам, экспортчи тадбиркорлар сони ҳам ортиб борапти.

ЖСТга аъзоликнинг яна бир ижобий томони шуки, мамлакатимизга инвесторлар оқими кўпайди. Натижада Европа бозоридида талабгир маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш жараёни фаоллашади. Бу маҳсулотлар бевосита Европа бозорига экспорт қилинади. Жараёнда аҳолини иш билан таъминлаш имконияти кенгайди, солиқ тушуми ва валюта оқими ошади. Яъни бу бир-бирига боғлиқ занжир бўлиб, умумий фонда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридида ўз ўрнини эгаллашга хизмат қилади.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Иборалар ҳикояти

Бў сўхбатни баъзи мазмундор ибораларга бағишлаймиз ва уни Навойнинг “Хўрмати волидайн фарзайн” деган мақолага айланган жумласи билан бошлаймиз. “Хўрмати волидайн фарзайн” дегани ота-онани хўрмат қилиш бир эмас, икки зарурий амалдан иборат деган мазмундаги ҳикматли сўздир. Бундай болиғу фа-снаҳ сўз Навойи сингари пок қалб эгаси бўлган ўтқир зеҳнли чечан шоир тилига келибдими, буни ўқиб, амал қилган ҳар бир боланинг умри ҳам, ўзи ҳам ўзгалар учун қўтлуг ва баракали бўлишига ҳеч шубҳа йўқ.

“Хўрмати волидайн” изофали бирикма бўлиб, “волидайн” аниқловчи, “хўрмат” сўзи аниқланмишдир. “Хўрмат” сўзига қўшиб, лекин урғусиз талаффуз қилинган “и” изофа кўмакчиси-дир. “Хўрмати волидайн”ни бошқача қилиб айтганда “волидайн хўрмати” бўлади. “Волидайн” ва “фарзайн”даги “айн” қўшимчаси иккиликни билдиради. “Волид” ота, “воли-да” она, “волидайн” ота-она дегани. Қилиниши инсон учун зарур бўлганин “фарз” дейилади, “фарзайн” икки фарз дегани. Демак, “хўрмати волидайн фарзайн”нинг мазмун ота-онанинг ҳар икковини хўрмат қилиш бола учун икки фарз, яъни уларнинг амрига бўйсўниш, уларга чин кўнгилдан, мамнуният билан хизмат қилиш, ширин муомалада бўлиш, аҳволларидан доим хабардор бўлиб туриш инсон қаторига қўшилмоқчи бўлган ҳар бир бола ва ёш қари учун бир эмас, икки қарра зарурдир. Навойнинг бу ҳикматли сўзини эс-хуши бор фарзандларимиз бек ёдларидан чиқармайдилар ва бунга доим амал қиладилар деган умиддамиз. Бу, биринчи навбатда, уларнинг ўзлари учун керак.

Энди ота-онани тилга олганда ишлатиладиган сўзларга келсак, отага нисбатан “бобой”, онага нисбатан “кампир” сингари сўзларни ишлатиш нутқ одобидан, умуман, одобдан ташқаридир. Адабий тилда ота “отамиз”, “падаримиз”, “волидимиз”, “қиблагочимиз” деб, она “онамиз”, “волидамиз”, “оназоримиз”, “волидайи меҳрибонимиз”, “оқ сут берган онамиз” каби сўз ва иборалар билан сўзла олинади.

Аммо “бобой”, “кампир” каби сўзлар боланинг беодоблигидан нишондир. Ота оила боши бўлгани учун унга улугворликни билдируви сифатларни, онада болага нисбатан меҳр оптиқроқ бўлгани ва кўпроқ машаққат чеккани учун унга меҳрибонлик, мушфиқлик ва меҳнат мушаққатини англатувчи сифатлар берилади.

Энди ота-онана мурожаат қилганда ундов сифатида қўлланадиган сўзларга келсак, отага нисбатан баъзи шеваларда “ота”, айримларида “ада”, бошқаларида “ада” ва ўзга сўзлар, онага “она”, “ойи”, “бўви”, “опа”, “аба” ва ҳоказолар ишлатилади. Буларнинг ҳеч бири бутунги кун учун нутқ одобидан ташқари эмас. Бу ерда фақат бир нарсани эслайти ўтишимиз мумкин. У ҳам бўлса, “хўрмати волидайн фарзайн”ни ҳисобга олиб, “жон” сўзини қўшиб, “отажон” ёки “адажон” ёхуд “адажон” ё “ойижон” деб мурожаат қилинса, ота-онана эҳтиром шартларидан бири адо этилган бўлади. Аммо бу мурожаат тил учуда эмас, аздақидил бўлиши керак. Жон сўзи жондан чиқса, ота-онанинг жони фарзанд жонига барака бағишлайди. Агар тил учидан чиқса, волидайн ҳар қанча меҳру шафқат кўргузмасин, боланинг иши юршишмайди.

Онани хўрмат қилишнинг аҳаияти ҳақида бир ривоят бор, шуни айтиб бермасам,



сўхбатимиз тўлиқ бўлмайдиғана ўхшайди. Ҳақим Термизий деган жуда машҳур олим ўтган. “Термизий” — термизлик дегани. Кишининг қарерга мансублигини билдирадиган отини “нисба” дейдилар. Ҳақим Термизийнинг туғилган йили номаълум, вафоти тахминан 932 йилга тўғри келади. Термизлик ўқувчилар кўрган бўлишлари керак, мақбараси ҳозир ҳам Термизда. Ҳақим Термизийнинг улуг олим бўлишига унинг ўз онасини ниҳоят даражада хўрмат қилгани сабаб бўлгани ҳақида ривоят бор. Бу ривоятнинг ҳулосаси бундай. Муҳаммад Али ўғли Ҳақим Термизда мактабни аълога ту-гатгандан сўнг ўзининг бир мактабдош дўсти билан олий маълумот олиш учун Самарқанд, Бухоро ва Бағдодга ўхшаган илм марказлари-га бормоқчи бўлади. Бу вақтда Муҳаммаднинг, яъни Ҳақим Термизийнинг отаси вафот этган бўлади. Муҳаммад онасининг ёлғиз қаровсиз қолиб кетишини ҳисобга олиб, аҳдидан қайта-ва ва мазорга бориб, отасининг қабри устида унинг бевақт вафот қилганини, шу тўғрйли илм олишдан маҳрум бўлганини айтиб, ач-чиқ-ачиқ йиғлайди. Тасодифан мазорни эши ёрат қилиб юрган бир аллома боланинг онага бўлган бу хўрматини ва илмга бўлган ишқини кўриб, унга ҳафтада икки кун дарс беришга ваъда қиладди ва уни улуг олим даражасига етказди. Шундай қилиб, Ҳақим Термизий бошқалар сарсон саргардон бўлиб кўп ма-шаққатлар чекиб ололмаган илмни тез фурсат-да, яна ўз шахрида эгаллашга мувссар бўлади.

“Асфалу-с-софилн” ҳам шархталаб иборалардан. Бунинг лугавий маъносини тубанларнинг тубанидир. Софил — тубан, пастки дегани, “ин” қўплик қўшимчаси, шунинг учун софилн тубанлар, “пасткилар” дегани. “Асфал” тубанроқ, энг тубан дегани. “Асфал-у-с-софилн” “асфала-с-софилн” шаклида ҳам ишлатилади. Булар орасида классик араб тили нуктаи назаридан фарқ бўлса ҳам ўзбек ва тожик тиллари нуктаи назаридан фарқ йўқ.

“Сўз хусусида сўз” китобидан

Аммо “асфала-с-софилнга кетди” деганда “асфал”нинг арабча формаси сақланган. Чунки “асфалу-с-софилнга кетди”, дейилмайди. “Л” товушидан сўнг “у” эмас, “а” айтилади.

“Асфалу-с-софилн” мавжудотга нисбатан қўлланганда, тупроқ ёки тўрт унсурунинг табиати, яъни иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва ку-руклик тушунилади. Ер оламнинг маркази деб олинганда, тупроқ энг тубан маконда бўлади. Шунинг учун уни асфалу-с-софилн деганлар. Тўрт унсур, яъни ўт, ҳаво, сув ва тупроқнинг табиати бўлиши иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва куруқлик маъдан, ўсимлик ва ҳайвон нафси ёки руҳига нисбатан энг тубан хоссадир. Шунинг учун булар ҳам асфалу-с-софилнга киритил-ган. Бундан ташқари, дўзахнинг энг тубан қава-тини ҳам киноя йўли билан асфалу-с-софилн дейдилар. Халққа озор етказувчи зolim киши ўлганда “асфалу-с-софилнга кетди” деганда мазкур иборанинг мана шу маъносини назарда тутилади. Бундан ташқари, асфалу-с-софилн деганда кишининг ўзининг ёмонлиғи тўғрйли вужудга келган аянчли аҳволи ҳам тушунилади.

Табиатда яхшилик асари бўлмаган киши мансаб ёки молу мулк эгаси бўлиб қолса, мансаби ёки молу мулкидан ободончилик учун эмас, эъли ҳароб қилиб, мамлакатини обод қил-гучи меҳнаткашнинг молу номусига тажовуз қилиш учун фойдалана бошлайди.

Бу амал унинг заволидан ва оқибатда қат-тиқ хор бўлишидан нишона бўлганини ҳи-собга олиб, халқимиз бундай кишини ҳам ас-фала-с-софилнга кетди дейди. Бу ҳукмнинг тўғрйлигини тарих қўйлаб исботлаган.

Классик адабиётда “қамар даври” ёки “да-ври қамар” ибораси кўп ишлатилади. Энди шу иборанинг маъзунни бирини танишайлик.

“Давр” сўзининг биринчи лугавий маъносини айланишдир. Унинг мана шу айланиш деган маъносидан айлана, тўғрақ ва тегра деган маънолари ҳам вужудга келган. “Давра” сўзи “давр” сўзининг айлана, тўғрақ маъносини назарга олиб ясалган сўздир. Сўхбат аҳлининг асосий тўғрақ шаклида ўтириши ҳисобга оли-ниб, унга “давра” дейилган.

“Давр” сўзининг илмий маъносини ҳам бор бўлиб, унга бу жиҳатидан икки хил илмий таъриф берилади. Биринчи таърифга кўра, бир нарсанинг ўзининг дастлабки нуктаси ёки ҳолатига қайтиши тушунилади. Шу маънога асосан бир ниманинг муайян муддатга тақро-раниши ёки ўзгаришларга учраб, асл ҳолатга қайтиш замони ҳам давр деб аталади. Мана шу нуктаи назардан, давр узлуқсиз давом этади. Ғарб тилларида бу маънода “сайкл” ва “цикл” сўзлари қўлланади.

Иккинчи таърифга кўра, икки нарсанинг бир-биридан келиб чиқishi тушунилади. Ма-салан, товўк туғумдан пайдо бўлади, туғум товўкдан.

“Қамар даври” иборасида “давр” сўзининг биринчи илмий маъносини назарда тутилган. Энди “қамар” сўзига келсак, бу осмондаги ой-нинг янги ёки тўйиллиги эътиборга олинмаган номи-дир. Ойнинг ўроқ шаклидаги ҳолатини

“хилол” ёки “янги ой”, унинг тўғрақ шакли-ни “бадр” ёки “тўлиной” дейдилар. “Қамар”, “моҳ” ва “ой” сўзлари ойнинг ҳамма шаклига нисбатан қўлланади.

Ҳозир бизга маълум ой ерининг йўлдоши, лекин қадимги олимлар ойни сайёра деб бил-ганлар. Ойнинг ана шу сайёралик жиҳатини на-зарда тутганда ҳам уни “қамар” деб атайдилар.

Мунажжимларнинг илмий асосга эга бўл-маган фикрига кўра, ҳар бир сайёра етти минг йиллик даврга эга. Дунё яратилиши ўн са-кизинчи аср охиригача ердан энг узок сайёра ҳисобланиш зўҳал, яъни сатурн даврида бош-ланиб, қамар даврида Одам вужудга келган. Мунажжимларнинг мана шу фикрига асосан, “қамар даври” ибораси классик адабиётда “одам вужудга келгандан бери” деган маъно-да қўлланган. Бу иборани моҳир шоирлар ин-сон юзини тавсиф этганда қўллайдилар. Ой ўзининг шакли ва ранги билан юзга ўхшай-ди. Шунинг учун шоирлар нуруний ва қулча юзини ойга ўхшатадилар. Шунга асосан, гап юз



ҳақида кетаётганида одам вужудга келгандан бери деган маънодаги бошқа сўз ва ибораларга нисбатан “қамар даври” энг муносиб иборадир. Ундан ташқари, бу иборадан ниҳом яратиш ҳам мумкин. Чунки бу иборадан ой атрофи деган маъ-но ҳам чиқади. Масалан, “фалоннинг юзида қамар даврида қўрилмаган нур бор” десак, бундан ҳам “одам пайдо бўлгандан бери қўрилмаган”, ҳам “ой гардишида қўрилмаган” деган фикр ан-г-лашмилади. Мана шу йирик ҳисобланади.

Шу ўринда аҳамият беришим зарур бўлган бир масала бор. Бадийи асарни тўғри тушуниш учун буни билиш зарур. Бериунй, Ибн Синно каби олимларимиз, Лутғий, Навойи сингари шоирларимиз мунажжимларнинг фикрлари ғайриилмий бўлгани учун қабул қилмайдилар, аммо бадийи асарда уларнинг сўз ва атамалари-дан фойдаланадилар. Нима учун шундай? Ба-дийи асарнинг, эскича қилиб айтганда, маъно ва суврати, янгича қилиб айтганда, мазмун

ва шакли ҳисобга олиниши керак. Шакл ёки суврат учун ишлатиладиган сўз ва ибора-лар ҳақиқатга мос бўлиши шарт эмас. Илмий нуктаи назардан “қамар даври” аниқ эмас, аммо шеър нуктаи назаридан ўз ўрнида ишла-тилса, гўзал ибора. Қуёш ҳар куни бир шахс-ни кўриш учун ер устидан айланмайди. Аммо шоир ўз манзурига қуёш фақат сенинг юзингни кўргани чиқади дейиши мумкин.

Айрим йигитчалар улар бир лагандан ёки бир дастурхондан таом ейишга тақлиф қилин-ганда, “Шериклик ошни ит емайди, мен ей-манми?” деб тақлифни рад этадилар. Мазкур мақолини бундай ишлатиш мутлақо нотўғридир. Чунки бу мақол ошни ит ва итга ўхшаганларига-на емайди, инсон эса аксинча, таомни ўзгалар билан баҳам кўради, ёлғиз таом еяолмайди де-ган мазмундадир. Кўпчиликнинг бир лагандан ош ейиши аҳиллик аломати ҳисобланади ва бу

болаларни аҳилликка ҳамда бир-бирига меҳри-бор бўлишга ўргатиш учун махсус қилинади. Шунда кичкина болалар бир-бири билан чиқ-шолмай қолсалар, уларга одам боласи бир-бири билан ҳеч нарсани талашмаслигини, талашиш, уришиш ҳайвонга, айниқса, итга хос эканини тушунтириб, болаларни тартибга ўргатиш мақ-садида “шериклик ошни ит емайди”, дейилади. Агар бола бирор нарсани ўзи ҳам емай, бировга ҳам бермаса, унда у бола итлик қилди дейла-ди. Чунки ит ўзи тўйгандан кейин ҳам ириллаб, овқат олдига бошқаларни йўлатмайди.

Демак, шериклик ошни ит эмас экан, ин-сон боласи эса ақли, эси, ҳуши бўлгани учун шериклик ошни ер экан ва бу унинг инсоний хусусияти экан.

Энди “ўн саккиз минг олам” ибораси ҳақи-да. Бунинг учун аввал “олам” сўзининг маъно-сини билиш керак. Бу сўз “жаҳон”, “қоинот”,

“дунё”, “очун” ёки “оюн” ва “гетий” деган сўзлар билан маънодошир.

Булардан “очун” ва “гетий” сўзлари эски ўзбек тилида мавжуд бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида истемолдан чиққан. Тарихий жиҳат-дан очун туркий, жумладан, ўзбекча, “гетий” эса форсий ёки тожикча сўздир. Ўзбек тилида ҳозир “очун” сўзи қўлланмаганидек, “гетий” сўзи ҳам тожикчада эскирган сўзлар қаторига кирган.

“Очун” билан “гетий”ни ҳисобга олмасак, “олам” сўзининг маъносини аниқлаш учун уни “қоинот”, “жаҳон” ва “дунё” сўзлари билан қиёс-лашимиз керак бўлади. Моддий ва сезиш мумкин бўлган табиий мавжудотнинг ҳаммаси қоинотга кирди. Фаёз ҳам муҳит сифатида қоинот тар-кибидир. “Қоинот”нинг асл лугавий маъноси бўлувчи, яъни вужудга келувчи нарсалардир. Бинобарин, қоинот азалий эмас ва муайян бир вақтда пайдо бўлган ва доим ўзгаришда. Олим-лар фикрича, дастлаб қоинот бир нукта шаклида бўлган, охирига ва кенг тарқалган назарияга кўра, буюк портлаш натижасида вужудга келган ва ҳо-зир ҳам кенгайиб бормоқда. Дунё деганда инсон ҳаёти билан боғлиқ табиий ва сунъий мавжудот тушунилади. Шунинг учун “дунё” сўзи бойлик, молу мулк маъносиди ҳам қўлланади. “Жаҳон” сўзида “қоинот” билан “дунё”га хос хусусийлик йўқ ва у “олам” сўзининг энг яқин маънодоши сифатида ҳам қўлланади.

“Олам” сўзининг ўзига хос томони шун-даки, у фақат моддий мавжудот эмас, маъна-виятга нисбатан ҳам қўлланади. Ундан ташка-ри, “олам” сўзи борлиқнинг азалий ва абдий жиҳатини ҳам ўз ичига олади. Шу нуктаи на-зардан, “олам” сўзи “дунё” ва “қоинот” сўзла-рига нисбатан мазмунан кендир. Аммо “олам” сўзи мавжудотнинг айрим турларига нисбатан ҳам қўлланганини кўрамиз. Масалан, ҳайвонот олами, санъат олами, илм олами, кишининг руҳий олами каби иборалар тилимизда кўп. Бу жиҳатдан эса “олам” сўзи “дунё”, “жаҳон” ва “қоинот” сўзларига нисбатан маъно жиҳатдан чекланган ҳолда бўлади.

Инсон жуда мураккаб тузилишга эгалити, у махлуқотнинг энг мукаммали бўлганлиги учун олам сўзини инсонга нисбатан ҳам қўлаб, уни “кичик олам” деб атайдилар ва бу ҳолда бутун оламни “улуг олам” дейдилар.

Қўйлаб тилларда, жумладан, ўзбек тилида “икки олам”, “ўн саккиз олам” ва “ўн саккиз минг олам” иборалари мавжуд. Ўқувчиларимиз бу ибораларнинг ҳақиқатини билишлари керак. Бинобарин, булар ҳақида ҳам қисқача маълум беришга тўғри келади.

“Икки олам” деганда охиратга эътиқоди бор кишилар дунё ва охиратни, ўзгалар бутун ола-ми тушунадилар ва уни муболага учун ишла-тадилар. Икки олам фалсафий мазмунда ҳам қўлланади. Бу ҳолда эски мутафаккирларимиз ғайб олами ва шаҳодат олами деган тушунчани назарда тутидилар. Ғайб олами деганда борлиқ-нинг сезиб бўлмайдиган ички жиҳатини ёки инсоннинг маънавий томонини, шаҳодат олами деганда уларнинг ташқи жиҳатини, кўриниши-ни тушунадилар.

Ҳикоятларнинг бирида бир киши иккин-чисидан “Фалончи ҳақида миш-миш гаплар юрди. Шу киши ҳақида қандай фикрсиз, деб сўраганда, у зоҳир, яъни ташқи кўриниши яхши, ботини, яъни ичи ғайб оламини мен би-лолмайман”, деб жавоб беради.

“Ўн саккиз олам”, “ўн саккиз минг олам”, “етмиш минг олам”, “уч юз олтимиш минг олам” деган иборалар ҳам бор бўлиб, булар ил-мий асосга эга эмас. Булардан “ўн саккиз минг олам” машҳур бўлиб, муболага учун қўлана-ди. Навойи ҳам бадийи мақсадда бу иборадан ўзининг бир ғазалида фойдаланади.

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошинидадур
Не ажаб чун сарвенозим ўн саккиз ёшинидадур
Навоийнинг сарвенози агар ўн саккиз ёшда бўлмаганда, у “ўн саккиз минг олам” иборасини ишлатмаган бўлар эди.

Алибек РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори,
академик

Агротуризм

Анчагина йўл юриб, тепаликка чиққан кекса агроном Ҳақимжон ота бир оз нафас ростламоққа чоғланади. Аслида, бу бир баҳона. Боиси, айнан шу жойдан атроф жуда гўзал кўринади. Қараган сайин кўз қувнайди. Сойдаги ажиб манзарарга термиллиб, ором олади. Шу кенгликка қараб инсоннинг қўлигул эканига яна бир бор амин бўлади.

Бир пайтлар бу жой тақир адирлик эди. Ёшилк дамларидан бери яхши эслайди. Авва-лига бу ерлар мол боқадиган яйлов бўлди. Кей-инчалик фермерларга бўлиб берилди. Лекин улар ердан дегурой фойдалана олмади. Лалми ерга экилган бўлдойдан хирмон кўтарилмади. Кўпчилик қўл силтаб кетди. Баҳона сув йўқлиги эди. Қизиги, хув нарида каттагина Ҳисорак сув омбори жойлашган. Аммо шунчаки қараб қўйган билан сув келиб қолмайди. Шу меҳнат, ўзига яраша маблағ талаб қиладди. Шу ишни эпласа бўларкан. Бўгун бу ерда каттагина бог бор. Бир томони кенг узумроқ. Бир йил олдин экилган ниҳоллар буй кўрсатиб, ҳадемай қў-силга қиради. Хориждан келтирилган ток кў-чатларини ўтказса бошлаганида айримлар бог бўлишига шубҳаланганди. Мана, дерили бека-то кўкарган новдалар кесилиб, совуқ урпақли-ги учун танаси кўмилди. Яна икки йилда бог тонналаб ҳосил беради. Ҳақимжон ота тажри-бали агроном бўлса-да, ўзи ҳам бунчалик бўлар деб ўйламаган эди.

Маҳаллий мутахассис сифатида ишга қа-бул қилингани боис, вақти ҳар куни шу ерда ўтади. Эрта тонгдан ҳар бир ниҳолни кўздан

ШАҲРИСАБЗДАГИ ТУРИЗМ БОҒИ



кечиришга интилади. Лекин бунга бир кун вақт камлик қиладди. Ахир ҳудуд каттагина. Шунчаки айлиниб чиқишга ҳам камида ярим кун керак. Бир томони ғилос, нариги томони олмазор. Токзорнинг адоғи кўринмайди. Уму-ман олганда, ҳудуд бутун янги қиёфага кирди. Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрда-ги “Қашқадарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектиларини барпо этиш чора-тадбир-лари тўғрисида” қў қарорига кўра, Шахрисабз туманининг Мираки, Улоҳ, Амир Темур маҳал-ларида кенг қўламли ишлар бажарилди. Ҳу-сусан, Улоҳ маҳалласи ҳудудидagi адирда агро-туризм маркази барпо этилди.

Дастлаб адирга Ҳисорак сув омборидан қувур орқали сув тортилди. Шундан сўнг “Agro exchange” масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан узумчилик ва богдорчиликка

ТАБИАТГА МУСАФФОЛИК, АҲОЛИГА ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

иқтисослашган йирик лойиҳага қўл урилди. Те-расса усулида бог барпо этилиб, ўзига хос агро-туризм маркази иш бошлади. Умумий қиймати 75 миллиард сўмлик мажмуи лойиҳа тўғрйли б-гун каттагина ҳудуд ишқиликка бурканмоқда.

— Бу ерда иш бошлаганимизга бир йил бўлди. Ҳозир натижасини кўрган киши ҳай-ратланиди, — дейди “Agro exchange” МҶЖ директори ёрдамчиси Абдурахим Ёргашев. — Аввалига ўзим ҳам унчалик ишонмагандим. Даштда ниҳол ундириш осон бўлмаса керак деб ўйлагандим. Дастлаб ерга ишлов бериб, те-паликларга ҳовуз қурдик. Томчилатиб сўғориш тизими ўрнатилди. Биринчи йилнинг ўзида 100 гектар жой ҳозирланиб, 60 гектарига ток кўча-ти, 40 гектарга мевали дарахтлар ўтказилди. Натижада 100 киши доимий, мингдан оптик одам маъсумий иш билан таъминланди. Келг-усида богдан 750 минг тонна мева ва узум олиш

режа қилинган. Йиллик экспорт қиймати эса 2,5 миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

Бог ҳосил бериш билан бирга вилоятда илк агротуризмни ривожлантириш марказига айла-нади. Мутахассислар фикрича, Европа давлат-ларидаги каби Шахрисабзга келган сайёҳлар ландшафтли бог ва узумзорни томоша қиладди. Истаганлар бог оралаб ҳосил териши ва шу ерда тановул қилиши мумкин. Бунинг учун бог яқи-нида тепаликда 120 ўринли меҳмонхона бунёд этилган. Унда 100 ўринли ресторан ҳам бор. Бун-дан ташқари, ҳудуд манзарасини томоша қилди-ганлар учун пидедалар йўлагини ётқизилмоқда.

— Давлатимиз раҳбари жорий йил июнда Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида агро-туризм марказида бўлиб, қатор кўрсатмалар берганди, — дейди Абдурахим Ёргашев. — Ҳу-сусан, бундай марказларни бошқа ҳудудларда ҳам Қашқадарё тажрибаси мисолида кўпайти-риш борасида вазифалар белгиланганди. Шун-дан сўнг Қашқадарёнинг Китоб ва Навойнинг



Хатирчи туманларида ҳудди шундай бог барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Ҳозир Китоб туманидаги 123 гектар ер тайёрланмоқда. Ха-тирича эса 303 гектар майдон ҳозирланипти. Куз ва баҳор мавсумида у ерга 37 минг туп мевали дарахт экилади. Китоб туманида эса 30 минг тупдан оптик ниҳол ўтказилади.

Марказда учта йирик қувватли музлаткич қўриш режа қилинган. Шу орқали ҳосил бе-талафот сақланади. Яқин кунларда шу ернинг ўзида агромактаб ташкил этилиб, соҳа му-тахассисларнинг тажриба алмашиши учун шароит яратилади. Хорижлик мутахассислар билан ойнай мулоқотлар ўтказилиб, малака ошириш мумкин.

— Токзорга хориждан келтирилган қатор навлар экилган, — дейди марказ бош агрономи Ноҳир Чоршанбоев. — Бундан ташқари, тўрт турдаги мевали дарахтларимиз ҳам асосан экс-портбог ҳосил беради. Ниҳоллар ҳудуд иқли-мага мослашган ва яхши ривожланимоқда. Ҳар бир кўчатни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилияпти. Агротехник ишлар ўз вақтида бажарилмоқда. Бу борада франциялик агроном-лар илмий-услубий ёрдам бермоқда. Қолаверса, маҳаллий мутахассис Ҳақимжон Сафаров ҳам

